

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хиттин-қизлар кўмитаси, Билалар жамоғармаси ва «Солиқим айлуд учун» Халқаро хайрия жамоғармаси

## МАЪРИФАТ — ҚУЁШДИР



Таълим ислоҳоти бизни демократик ўзгаришлар, янги жамият барпо этиш йўлидан дадил етакловчи, барчамизни ҳаракатлантирувчи ички куч бўлмоғи зарур. Ҳар биримизга беш бармакдай, эскича айтганда, тўққиз пулдай аён бўлсинким, таълим ва тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, одамлар онгини, демакки, уларнинг турмуш тарзини ҳам тубдан ўзгартириш мумкин эмас.

И. КАРИМОВ



Ҳали-ҳануз калбида мустақиллигимизнинг 7 йиллик байрами ҳарорати учган эмас. Юртакларимизни ушбу кутлуг кунининг руҳи тарқ этгани ҳам йўқ. Бу улғу айём кунларда халқимизнинг бир гуруҳ фидойи кишилари мамлакатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Айни кунларда мамлакатимизда аҳолиси узгача кутаринки руҳ билан меҳнат қилишмоқда. Барча жабҳаларда янгилашни ва ўзгаришлар изчил давом этмоқда. Булар ўз навбатида мустақил Ўзбекистон давлатининг ҳар томонлама мустақамлаш учун муҳим омиллар ҳисобланади.

Ўзбекиларда «Кунинг тинч-сеп тинч», деган гап бор. Бу бежиз айтилмаган. Бугунги кунда Россияда кечатган иқтисодий инқирозлар ўз навбатида Ўзбекистон халқини ҳам беварқ қолдирмаётган. Дарҳақиқат, бугун Россия давлати оғир иқтисодий ҳасталикни бошидан кечирмоқда. Бир пайтларда жаҳондаги энг йирик давлат ҳисобланган Россиянинг иқтисодий инқирозга юз тутиш сабаблари юз сиватчилар турли хил баҳолашмоқда. Маълумки, мустақил тузум емирилиб, унинг ўрнида янги давлатлар барпо бўлган, ҳар бир ёш мустақил давлат ўзига хос тараққиёт йулларини белгилашди. Хусусан, Россия ҳам очик, демократик давлат қуриш, бозор иқтисодий тизимини ўрнатиш йулини танлади. Бироқ утган 7

йил вақт давомида мамлакатда сезиларли даражада ўзгаришлар, туб бурилишлар рўй бермади.

Ақсинча, мамлакат иқтисоди ҳасталикка чалинди, охири оқибатда эса таназзулга юз тутди. Айрим сиватчилар Россиядаги иқтисодий инқирозларни раҳбар шахслар фаолияти билан боғлашга уринишади. Лекин, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Озарбойжон республикасига сафари олдидан журналистлар билан ўтказган махсус матбуот конференциясида ушбу масалага тула-туқис ойдинлик киритди. Мамлакатимиз раҳбари Россиядаги бугунги вазиятни баҳолаб экан, бу мамлакат иқтисодини оғир ҳасталикдан олиб чиқишнинг шахсларга боғлиқ эмаслигини алоҳида таъкидлади. Ақсинча, бу масала танланган йўлнинг тўғрилиги ҳамда қўзланган

мақсаднинг қай даражада аниқлигига боғлиқ эканлигини ўқтирди.

Албатта, Россиядаги ҳозирги вазият бу давлат билан ўзига хос

озиқ-овқат маҳсулотларини чет элдан харид қилиб олади. Бошқача қилиб айтганда, бу мамлакатда маҳсулот ишлаб чиқариш корхоналари тўхтаб қолган. Қўлгина

## ХАВОТИРГА ЎРИН ЙЎҚ

муносабатларга эга Ўзбекистонга, унинг сивсий, иқтисодий ҳаётига таъсир қилиши мумкин, деган саволга ҳам мамлакатимиз раҳбари атироғича жавоб қайтарди. Биз бундай ҳолатдан етарлича ҳимояланганмиз, деди Президент. Ҳукуматимиз бундай ҳавфнинг олдини олиш учун аниқ режа ва дастурга эга. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Россиядан озиқ-овқат маҳсулотлари эмас, асосан техник ва технология асбоб-ускуналар сотиб олади. Россия билан бугунги Ўзбекистоннинг бугунги ҳаёти ўртасида жуда катта фарқ бор. Россия бугунги кунда қўлгина

ишчилар ўз иш машғулотларидан маҳрум бўлмаган. Бунинг натижасида эса мамлакат иқтисоди издан чиқди. Мамлакатимиз раҳбарининг айтишича, россияликларнинг кечаги ташвиши бугунги кунда чин маънода ваҳимага айланди. Бу ваҳима эса асосан оддий одамларнинг қўлтиб, ҳатто қўқиб қўйди.

Мустақиллиқнинг нурли 8 йиллик йўли сари дадил одимлаётган Ўзбекистонни бугунги вазияти бутун жаҳонга маълум. Ўзбекистонда аҳоли истемоли учун зарур бўлган барча озиқ-овқат маҳсулотлари етарлидир. Хусусан, гўшт, шакар, туз, совун,

### ШУ КУНИНГ НАФАСИ

усимлик ёғи каби кундалиқ эҳтиёж молларига танқислик сезилмаслиги, озиқ-овқат таъминотида ҳеч қачон ўзилишликка йўл қўйилмаслиги, бунинг ўзоқ даврга мулжалланган захираси яратилганини Президентимиз ишонч билан айтди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ҳукумати ўзига хос тараққиёт йўлидан бормоқда. Ҳукуматимиз олиб бораётган одил сивбат негизда инсон омили ётади. Мамлакатимизда ўтказилаётган туб ислохларнинг мазмун-моҳияти ҳам инсон манфаатларига, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Бундай туб ўзгаришларни янада чуқурлаштириш учун биринчи навбатда мамлакатда барқарорлигини таъминлаш, тинчлик ва осойишталикни сақлаш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимиз ҳеч бир давлатга қарам эмас. Савй-ҳаракат бор жойда эса юксалиш, тараққиёт бўлиши табиий. Ана шуларни назарда тутган ҳолда халқимиз Россиядаги бугунги вазиятдан ҳавотирга тушишига сира ҳам ўрин йўқ.

фати туфайлидир. Шу боис мамлакатимиз ҳаётига даҳлдорлик, Ватан тақдир, истиқболи учун қайғуриш туйғуси ҳар биримизнинг қалбида тарқ этмаслиги, ҳамиша томири-миздаги қондек уфуриб туриши керак. Россиядаги иқтисодий инқирозлар Ўзбекистонга ҳеч қандай ҳавф-ҳатар тугдирмайди. Сабаби бизнинг мамлакатимизда барқарорлик таъминланган, фуқаролар эмин-эркин меҳнат қилишмоқда. Ўнг муҳими мамлакатимизда кенг қўламдаги бунёдкорлик ва яратувчанлик ҳаравини кечмоқда. Ишбилармонлик, тадбиркорлик кун сайин турмуш тарзими-мизга чуқур сингиб бормоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон ўз халқини барча озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконига эга. Ҳамма нарса ўзимизда етиштирилиб ишлаб чиқарилмоқда. Демак, бу жиҳатдан мамлакатимиз ҳеч бир давлатга қарам эмас. Савй-ҳаракат бор жойда эса юксалиш, тараққиёт бўлиши табиий. Ана шуларни назарда тутган ҳолда халқимиз Россиядаги бугунги вазиятдан ҳавотирга тушишига сира ҳам ўрин йўқ.

К. ТОШМИРЗАЕВ

### ... БИР БОРА КЎРГАН ЯХШИ

Кино санъати халқнинг, миллатнинг дарди қувончларини тараннум этади. Яқинда Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» асари асосида янги фильм дунёга келди. Шу муносабат билан ўтказилган матбуот конференциясида асар шайнига яхши фикрлар билдирилди. Бу асар ўзбек халқининг яқин ўтмишини қамраб олганлиги ва унинг оғирларини ишонарли тарзда ифода этганлиги билан аҳамиятлидир. Айниқса, режиссёр Шухрат Аббосовнинг маҳорати мақтовга сазовор. Ролларни эса асосан, киночиликда биринчи қадамларини қўяётган актёрлар ижро этишган. Хуллас, халқимизда «Ўз бор эшитгандан кура, бир бора курган яхши» деган гап бор. Демак, янги фильм ўз томошабинларини кутмоқда. У сизларга манзур бўлишига биз ҳам ишонамиз.

САРДОРБЕК

### Ахборот

## ХОРАЗМЛИК ХОТИН-ҚИЗЛАР САФАРИ

Хоразм вилояти ҳокими муовини, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилором Абдуллаева бошчилигидаги хоразмлик бир гуруҳ хотин-қизлар бир неча кун давомида Тошкент вилоятида меҳмон бўлишди. Шаҳар ва туманлар ҳокими муовинлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, тадбиркор ва ишбилармонлардан иборат меҳмонлар ниятда ранг-баранг қизқарли ва албатта иккала томон учун фойдали таширф дастури асосида бир қатор шаҳар ва туманларда бўлиб, мустақиллигимизнинг етти йиллиги арафасида вилоят меҳнаткашлари олиб бораётган катта бунёдкорлик ишлари, барча соҳалар бўйича рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ва

албатта, бундай улғувор ишларда вилоят хотин-қизларининг ўрни ҳамда уларнинг улкан ҳиссалари борлигини қўзғатув чоғида эътироф этилди.

Дастлаб Янгйўл шаҳрида меҳмон бўлган хоразмликларга шаҳар ҳокими Шухрат Қорабоев шаҳарнинг бугунги ва меҳнаткаш кишилар ҳақида сўзлаб берди. Жўмладан, саноат шахри бўлиши Янгйўлдаги «Лаззат» қандолат маҳсулотлари, ёғмои, меҳнат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари нафақат республикамизда балки хорижда ҳам анча машҳур бўлиб қолган. Табиийки, бу корхоналар шўхратида янгйўллик хотин-қизларнинг муносиб улўшлари бор.

Шу куни меҳмонлар ушбу шаҳар-

даги 1-сон гўдаклар уйи ҳамда Усмон Юсупов уй музейида, шунингдек, вилоятдаги муқаддас зиёратгоҳлар, Зангибува ва Анбар отин мақбараларида зиёратда бўлишди. Қўйраб туманидаги «Унқўрган» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Меҳрибон Тожиева иш фаолияти билан яқиндан танишдилар. Айниқса, «8-Март» сийахтоҳида бўлган учрашув қизиқарли бўлди.

Меҳмонларнинг Чирчик, Бўстонлик, Ўртачирчик ва Паркент туманлари бўйлаб қилган сафарлари ҳам ниятда қизиқарли ўтди. Улар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини ҳам бориб курдилар.

Зулҳумор ЖЎРАЕВА.

### «ЧЁРНАЯ СМЕРТЬ»...

Тожикистонлик Шахрибону Назарова хали ёш эди. Шунинг учун Хўжанддан Куконга 2376 донга «Чёрная смерть» ароғини олиб кетганда айланма йўлда Фаргона вилояти Божхона бошқармаси суриштирув бўлими томонидан қўлга олиниб унга нисбатна жиноий иш қўзғатилди. Чамаси у қилаётган ишнинг охирини ўйламаган кўринади.

## ҚИЛМИШ — ҚИДИРМИШ...

### «ФИШКЎПРИК»ДАГИ «ЧАВАНДОЗЛАР»

«Фишкўприк» чегара постида Қозоғистон Республикаси фуқароси Жайраҳон билан Ойнаҳон бир от билан тойчоқни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб кетганда қўлга тушиб қолди.

Яна шу чегара пости ҳодимлари томонидан Эстонов Мусабек битта отни олиб чиқиб кетганда қўлга олиниб божхона ҳодимлари томонидан ушланди.

### «СИЛЬВА»НИНГ ЗИЙРАКЛИГИ

1998 йилнинг 30 августи кўни Тошкент вилояти 12-сонли «Завар» божхона тезкор гуруҳи томонидан шу маскан орқали Тожикистон Республикасидан Россияга ўтиб кетган «Икарус» автобуси тўхтаётганда унга ортилган юклар остида «Сильва» лакабли ит ёрдамида 5кг. микдордаги гўшҳандлик моддаси топилди.

### Божхона хабарлари

### МИРЗАКЕНТ ПОСЁЛКАСИДА

Сирдарё вилояти 5-сонли «Мирзавобод» пости ва вилоят МХХ ҳодимлари Тошкент-Термиз йўналишидаги М-39 автомагистралда 7450 килограмм ўсимлик ёғини олиб кетган Эрматов Икром, Абдувалиев Икром бошқарувидаги машиналар Мирзакент посёлкасида ушланди. Ҳозир текширув ишлари олиб борилмоқда.

Б. ШАВКАТЛИ, М. БЕК



1

Авалло, сизга бир савол: «Ёввойи одам борлиги ишонасизми?» Ҳа-ҳа, Қор одамнинг ҳарлигига? «Йети» дейишади уни баъзи элларда. Масалан, Ҳимолой тоғлари этагида яшовчилар. Помирда у «Қор одами» деб аталаркан. Бизнингча — «Ёввойи одам».

Онам раҳматли ўтмишида қолиб кетган қизик-қизик саргузаштлардан сузлар экан, ушбу воқеани кўп такрорлар эди. «44—йил. Уруш. Тоғдан сирач йиғиш топширилган эди. Ундан қауқуқ ясалар экан. Чулибайир тоғидан эниб келадиган эдик. Олдимизда қирқта эшак, қоп-қоп сирач ортилган. Уч-тўртта мерган ҳам бор, мен — ҳаммамиз отлик. Замистон деган даранинг устидан ўтаётганимизда, курдим... Ёввойи одами-да. Пастликда қор бор эди, алмурут кўп эди. Биттасининг шохини қайириб, қоқини олаётган экан. Шундай кунигиб турибди. Оғзига солади-да, шимийдими — нима бало қилади, кейин туфлаб ташлайди. Ундай жойда кичкина боласи. Онаси туфлаб ташлаганини териб ейди... Айиқ эмас-е, улибманми, айиқни танимасам. Бунинг бўйи отангиди бўйи билан баробар эди. Отангиди бўйи икки газ келадими?... Тагин, икки оёқда, қаддини тик тутиб юраркан. Бизга шундай бурилиб қаради. Биз индамай ўтиб кетдик... Э, уни отиб булар эканми? Ёввойи одамку у...»

Онамга шунча савол берганим билан «Ёввойи одам» борлигига бопалигимдаёқ ишониб бўлган эдим.

3

деворга суяниб ухлатган оппоқ юзли келинчақ — ҳақиқатан ҳам, ўзининг синглизис, урчуги ёнида — тошга таяниб ётган экан... Акасингилнинг қуришуви, сўрашуви, йиғлашуви таърифнинг ўзи бир неча саҳифани банд қилади. Аламзада аканинг ўз жиянини — синглизис Ёввойи одамдан туққан бароқвойини улдириб, тошга босириб қўйгани, бунга қаршилиқ қилиб Ёлворган синглизисни ҳам аямгани, ниҳоят, унинг билагидан ушлаб, бу ерга чиқиб келган йўли билан тоғ остига олиб тушгани таърифи ҳам талай саҳифани ишғол этади...

Хуллас, қош қорайганда, омади чоғган — синглизисни толган ака уни уйга олиб келади. Кекса она ҳам қизини қўриб, хўрсанд бўлиб қолади. Неварасига ачинади-ю. «Бўлар иш бупти, — дейди. — Сенинг тоғиларинг шу кечаёқ элга маълум бўлади. Саҳарлаб қўргани келишади. Уларга нима дейиш керак? Шуну уйланлар...» Уйлаб-уйлаб, жуда ишонарли йўл топишади: ҳазилкаш Ёввойи одам бўлоқдан сув олаётган қизни опқочиб кетиб, Оқмали чўққисига чиқариб қўйган экан...

Эртаси кўкаламзорга тўшалган наमत, шолчалардан жой олиб, худойи ошини вақти хушлик билан тановул этаётган қабиладоларга қизнинг акаси ўзининг янтоқ ўраётганида тоғдан думалаб тушган калавани тоғлиб олгани, калавани... чўққиди синглизис «отиб юборгани»ни, чўққига чиқиб борса, синглизиснинг «қон йиғлаб» ку-

Бунга момом — онанинг онаси айтган ушбу ҳикоя сабаб эди.

Бу ҳикояни эса момомнинг еттинчи — бош момоси Қалмоқ момо айтиб берган экан...

Агар бу воқеанинг тўққиз авлод нарида (менинг она авлодимдан юз ёшдан кам яшаб қазо қилганлар кейинги асрларда пайдо бўлган) кечгани, бунинг устига ушанда Қалмоқ момолар Помир тоғларига туташ Осмонтолаш тизмалари орасидаги хилват қишлоқда айни ибтидоий йўсунда ҳаёт кечирганлари ҳисобга олинса, шубҳасиз, улар жамоасини қабила дейиш мумкин.

Осмонтолаш — ўз номиям айтиб турибди: юксак тоғ. Аммо яхлит эмас албатта, уйқилари кўп, чўққилари кўп, горлари-камарлари кўп. Аҳоли бўлоқ сувларидан ичишаркан ҳамда экин-текинни сугораркан. Ҳар бир уймали (хонадон)да беш-ўнта ушоқ мол, бирикитадан қора мол, тагин: товуқ, катакда боқиладиган қалмак ва чиллар... Хуллас, шароитга мос — ўзларига хос ҳаёт кечиршаркан. Табиий, тоғда бўри, қоплон, айиқ ҳам бор — уларнинг ҳужумини қайтарувчи кучлар — итлар, пахламонлар, камон-ёйлар ҳам бор экан. Бироқ улар қандайдир аҳилликда яшашар, масалан, буриларнинг ичинини бузиб болаларини олиш энг улуг гуноҳ саналаркан...ки, бурилар ҳам ҳадеганда

Шукр ХОЛМИРЗАЕВ

## АЮВ БЎЛСАЯМ — ЭРИМ ЭДИ...»

тиб олганини, хайрият, илиққина бир горда жон сақлагани, горининг бир тарафини чўққидан битган мевали дарахтларнинг қоқи билан тулдириб юборгани...

...Қисқаси, қабиладоллари билан дийдор қуришиш синглизиснинг пешонасида бор экани ҳақида сузлар экан, Осмонтолаш даралари шундай шовқинга тулибдики, бамисоли ҳамма ёқ ларазага тушибди. ва ҳаш-паш дегунча оқмалардаги дарахтларнинг силжитиб — тўзон кутариб, уйда-йўдай тошларни қулатиб — кўчки ҳосил қилиб тушиб келадиган бўшайибди махлук — Ёввойи одам қуринибди. У исқаланиб, тўғри шу уйга — худойиҳурлар йиғилган жойга лапанглаб келаркан, ҳуриб чиққан итларни бўғиб-эзгилаб ташлар, дуч келган молларни суриб-аганатиб юбораркан.

Ёввойи одамнинг бу ҳаракатидаги маъно дарҳол аён бўлибди. Қизнинг акаси биринчи бўлиб ёйини қўлга олибди. Бошқалар ҳам қупинча ёнларидан қўймай юрадиган яроғларини олиб қўзғалибди... Бу орада Ёввойи одам тошқуранинг деворини бузиб, ичкарига кирибди. Хотин-халаж қийчув солиб уйга бекинишибди. Ёввойи одам бир нафас исқаланиб турган, девор бошидан ўзини нишонга олаётган қизнинг акасига термулиб қопти-да, худди ўшани излаб келгандек унга отилибди. Шунда кампирчонон уругидан ясалган заҳар суртиглик ўй ўқи

## ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ҚАЪРИГА БОКСАК...

кутириб қураларга бостириб кирмас экан. Айиқларнинг ҳам ҳахлини чиқаришмас, пишиқчиликда мевали дарахтлар шохини синдириларида ҳам ҳайрихоҳлик билан қарашаркан: «Уларнинг ҳам насибаси бор-да». Илло қабила аъзолари ҳали катта-катта боғлар барпо қилиб, уларни қуриқлашни урф қилишмаган экан.

Қақат қурғоқчилик ёки қиш қаттиқ келган йиллардагина улар орасида тўқнашувлар бўлиб тураркан (томоқ жўнида).

Тоғда яна бир зот — «Ёввойи одам» ҳам яшаркан. У онда-сонда чўққиларда қуринар, қишлоққа оралаган бўлса, оғма, сувлоқда, ботқоқда қолган қўқ изларидан билинаркан. У — баҳайбат, баданини қалин жун босган, табиатан беозор махлук экан. Унинг тагин бир одати бор: шўхлиқни яхши кўраркан. Масалан, йиғиб қўйилган пичан гарамларини уридан жилдириб, жилгалар ёқасига обориб қўяркан. Жилгаларга балиқ овлаш учун солиб қўйилган саватларни Ёввойи тоғлар шохига олиб кетаркан.

Бир куни бўлоққа сувга борган бир қиз йўқолиб қолади. Унинг ёлғиз акаси синглизисни излаб бормаган жойи, қилмаган иши қолмайди: қизнинг бўлоққа боргани аниқ — излари қўрсатиб тураркан. Аммо у ердаги кўкаламзорда...

гойиб бўлган: ерга кирганми, осмонга чиққанми — ном-нишон йўқ.

Ака уйлай-уйлай «Ёввойи одам»нинг ҳазилкашлигини эслаб, атрофдаги барча жарлику дараларни кезиб чиқади. Кўп юксак чўққиларга қўтарилиб шовқин солади. Ниҳоят, тақдирга тан бериб, уни «момолар» руҳлар олиб кетганига ўзини ишонттиради: қиз жуда соҳибжамол экан, маълумки, руҳлар гузалларга ошқ бўлади.

Орадан бирон йил ўтиб, шу йилгит янтоқ уриб юрса, чўққидан бир калава ип думалаб тушиб келади. Йилгит уни олиб, ҳайрон бўлади: бу ёқда одам яшамайди-ку? Калава шундек келар, илпинг бири учи тепада қолган экан.

Йилгит ўроғини белига қистириб, калавага ипни урай-урай тепага чиқа бошлайди. Жуда хавфли жойлардан ўтади. Тоштоқларга осилиб, тик бетлардан ошади. Шағали силжиб кетишга маҳтал бўлиб турган оқмалардан, яъни, суви кетиб — тоши қолган арналардан қийикдек югуриб ўтади.

Ҳар ҳолда, тоғ боласи-да: тоғда юришни билади. Бунинг устига, сирли калава туфайли йўқолган синглизисни топишдан узилган умиди қайта жонланиб қолгани ҳам вужудига қувват бўлиб, пастдан қараганда булутлар бағрида қуринадиган чўққига чиқиб боради. Қўлидаги муштдек калава хум-чойнакдек бўлган...

Ана шунда қўрадики, қоя камарида бўри терисидан нимча қийган, сержун чақалоқни эмизганча

нинг туқилганига професионал ёзувчи сифатида ишонмайман, аммо қандайдир даражада туқилган бўлсаям ҳаётги қадриятлардан бирини — айна садоқатни улуглаанки, унинг тўққиз авлод оша етиб келиши ҳам шундандир... Қолаверса, ушбу ҳикояни бот-бот такрорлайдиган момомнинг ҳаётда ҳам шундай садоқат рамзи бор эди: боққиш йиғирма тўрт ёшида эри Омон унбошидан қўлиб, бошқа эрга чиқмаган. Эс-эс биланман: сап-сарик сочларини тараб, қуқиш қўзларига сурма тортиб (ёш оқмасин учун) утираркан, қаҳ-қаҳлаб кўларди: «Менга унбоши қулф соб кетган!»

Отам (муҳаррирликдан) қамалиб, Магаданда силласи қуриб улганидан кейин (етти йил ўтиб), онам бошини пана қилди: ажайиб инсонга теккан экан, мен у кишини «ота» деб кетдим. Аммо момом онамнинг бу ишини мутлақо хушламас экан, улғунига қадар шунини таъна қилиб ўтиди.

Асосий хулосам бу: ўтмишининггина эмас, бугунги куннинг ҳам фарзанди сифатида ҳолис айтидиган бўлсам, ўша Ёввойига содиқ қолиб, бошқа эрга чиқмаган келинчақни ҳам, Омон бобомга содиқ қолиб, ўзига «қулф урган» момомни ҳам, яъни, уларнинг бу ҳаракатларини ибрат намунаси, деб билмайман: аксинча, уларнинг муҳаррирлиги менда ачинаш ҳисларини уйғотади...

Энди охиригиз суз: бу борадаги қадриятларимиз илдиэлари ҳам нақадар йироқларда экан-а!

Тошкент, 1998.

4

Ёввойининг қоқ пешонасига қадалибди... Худди шу пайт қиз эшикни бузиб ташқарига чиқибди. Қараса, Ёввойи эри ерда ётибди, устига ўқ, тош ёғилляпти... Хотинини кўрган Ёввойи онда унга томон ўрмалабди. Қиз чўққайиб, уни бошини силар экан, девор оша тушиб келган акаси Ёввойининг яғринига найза санчибди.

Кейин Ёввойи одамнинг жасадини бир ҳўкизга судратиб, жилгаларнинг қўшилган жойида пайдо бўлган Оқсув дарёсига ташлабдилар: шериклари бўлса ҳидини олиб келар, деб жасад судралган жойларни ҳам супуриб, Ёввойи тушиб келган жойларга ҳам мол ҳайдаб, хуллас, ундан из қолдиришмабди.

«Из», табиийки, келинчакнинг қўнғлида қолган экан. У қупинча тошқалама деворли томларига чиқиб утириб, ёки ўша бўлоқ бўйига бориб — урчуқ йиғириб утираркан-да, узича қуйлар экан:

«Аюв бўлсаям — болам эди, Аюв бўлсаям — бойим эди...»

Келинчақ узоқ умр қуриб, аммо йлғизликда утибди: «Ёввойи одамга хотин бўлганман», деб харидорларни қайтараркан.

Ҳикояга хулоса қилишдан олдин иккита изох: жанубда ҳамон «Ёввойи одам»ни — «Аюв» деб ҳам аташади, «бойим» дегани эса — «Эрим» дегани.

Хулоса: аввалам бор, бу ҳикоя



Галати феълимиз бор. Бирон одамга салгина меҳримиз тушса, кунглимиздаги чиройли сузлар билан безаб, тезроқ эгасига етказмоққа уринамиз. Айни пайтда жуда кўроқмиз. Кунглимизга келган номаъкул фикрларни «култ» эткизиб, ичга ютамиз. Тўғри гап туққанинга ёқмайди, ёмон куриниб нима қиламан, деймиз. Ҳозир умуман ёқтирмасак ҳам қаршимиздан чиқса, саломлашамиз, аҳвол сураймиз, яхши тилаклар билдирамиз.

Мен бугунги мақоламнинг қаҳрамонлари билан саломлашди нари турсин, ҳатто уларга булган беадоғ нафтаримни яшироқнинг ҳам илоҳини топа олмаيمان. Улар қаршимдан чиқиб қолишса, гоҳ ошқора гижиниб четга қарасам, гоҳ бор нафратимни кўзларимга жойлаганча, уларнинг нигоҳлари билан тўқнашаман.

Аслида улар менга ҳеч ким эмас. Улардан жонимга ҳеч қандай жабр утгани йўқ. Уларга булган шу қадар ошқора нафратимнинг сабаби уларнинг бири аёлининг зинокор эканлигини кўра-била туриб, ҳеч нарса кўрмагандай, ҳеч нарса бўлмагандай яшаб юрганлиги, иккинчиси ҳайвоний нафс балосига йўлиқиб, охира-т жавобини буткул унутиб қўйганлиги эди.

Айтишларича, биринчи «қаҳрамон»им шаҳарга не-не улкан орзулар билан келиб, гўр талабалик йилларида ҳаётдаги энг катта чатога йўл қўйган экан. Елгиз қизи билан яшайдиган бир аёлининг уйида ижарага туриб, ҳар кун иккун марта либос алмаштирадиган қизига омиш бўлиб қолган. Муносабатлар чуқурлашган билганки, қиз бокира эмас. Қиз йиғлаб-йиғлаб кечаси, катта кучада, холасиникидан келаётган-

да... ва ҳоказоларни айтиб, ўзини оқлаган. Йигитнинг эса қизга раҳми келгани роҳати ёки бағрини тўлдириб турган лаззатдан воз кечишга қудрати етмаганими, ҳар қалай қизга «менга барибир, мен сени севаман, сенинг айбингни ўзим ёпаман» деган. Узоқдаги қўруқдан,

тинмайдиган булган.

Иккинчи фарзанд туғилган, хотин уни умуман назар-писанд қилмай қўйган.

Бу орада у амал-тақал қилиб, ўқини битириб, шаҳар мактабларининг бирига ўқитувчи бўлиб ишга жойлашди. Ишга жойлашсам, бу-

## Мулоҳаза, мунозара, мушоҳада

га», деб бемалол изоҳ бераверади аёл.

«Рўзгор қилолмаган эркак» эса тан маҳрами танини сотиб топиб келган ёғли лўқмаларини е-ёб юраверади.

шимга соябон бўлади деб, шу кишидан бир ўғил туғиб олдим. Эримни куриб турибсиз-ку. Ундан булган болалар ўзини боқсам катта гап».

У «зурриёди бошимга соябон бўлади», деб умид билан «туғиб олган» киши катта бир ташкилотнинг раҳбари, ниҳоятда бадавлат одам, сал олдинроқ қўлида ишлайдиган яна бир эрли аёлини ҳам «Шундан қиз туғди», деб гап чиқаришган эди. Агар уша одам маст булган пайтларида «Менинг йигирмата хотиним бор. Шулларнинг ярми эрли хотинлар. Эрли хотинлар билан юриш мазза-да. Ҳеч ким ҳеч нарса деб шубҳаланмайди. Боласи буп қолса, нима бўлади, деб ҳадиқирамайсан» деб мактанмағанида «Фалончи фалончидан қиз ё ўғил туғибди», каби узун-қулоқ гапларга ишонмаса ҳам буларвер эди. Аммо ўзи эътироф этиб тургач...

Мени бир нарса уйлантиради: шу йигирмата хотин туққан фарзандлар отадош, қондош ака-сингиллар бир кун келиб, бир-бирларига кўнгил қўйиб, онгсиз ҳайвонлар каби эр-хотин бўлиб қолмасликларига («Кўнгил кўчалари»дагидея) ким сафолат беради? Эҳтимол уша дамда уларни бу хато йўлдан қайтариши мумкин булган зинокор она ҳам, зинокор ота ҳам бу дунёдан кетган булар. Булганда ҳам улар ўз қаршиликларини қандай сабаб билан изоҳлашади.

Кўрдингизми, мен уларни несабабдан ёмон кураман. Уларга булган нафратимни ҳам яширолмайман.

Сиз-чи?

**Жамила ЭРГАШЕВА.**  
Термиз.

# НАФРАТ

ёнидаги ўпка афзал қўринган унга. Ростда, отаси ўқини битирганидан сўнг уйлантираман, деган. Яна тўрт ярим йил кутишнинг ўзи бўладими, қачонки шундай офатини қалинсий, тўйсиз ўзини бахшида этиб турган бўлса!

Афтидан «қайнона» ҳам ҳаммасидан бохабар булган. Бир қозон ош дамлаб, бир мулла қақриб, кўни-қўшниларнинг гувоҳлигида уларни никоҳлаб қўйиб: «Ота-онангизга кейин айтаман», деган.

«Кейин эшитган ота-она» аввал хайрон қолган, кейин шаҳарга келиб, ул-булдан гап олган, бутунлай тўнларини тескари қийиб олишган: «Агар шу қизга уйланадиган бўлсанг, бизнинг сендай боламиз йўқ».

Қайнона уни тинчитган: «Ота-она боладан кечиб қаёққа борарди. Қишлоқнинг одамлари ҳаммаша шаҳарнинг қизларидан чўчигани-чўчиган».

Қиз юм-юм йиғлаган: «Энди ташлаб кетасизми? Мен кўни-қўшниларимизнинг олдидан неча пуллик одам бўлдим?».

Йигит яна мардлик қилган: «Мен ҳеч қаерга кетмайман».

Бир фарзандли булгунларича яхши яшаган. Сўнг аста-аста хотини уни жер-киб ташлайдиган, ишдан кеч келадиган одат чиқарган. У танбеҳ берса, қайнараси ҳам қизининг ёнини олиб, уни силтаб ташлашдан тор-

ларга иқтисодий қарамликдан қутуламан, қани кейин ҳам тантиқлик қилсинчи, деб юрарди.

Аммо бозор иқтисодиёти қийинчиликлари бошланиб кетди. Унинг бир ой юриб топган маоши эрка хотинининг бир ҳафталик ҳаражати етмас эди...

Бора-бора у ҳовлидаги эрка кишининг қўли билан қилинадиган вазифаларни бажарувчи ишчи кучига айланиб қолган.

Енгилтабиат, маишатга ўчлик, рўзгордаги камчиликлар аёли бутунлай наҳс ботқоғига ботирди.

Бугун у суюқоқлиги билан машҳур аёл. Турмуш қурган йиллари эри бирон ҳаракатидан шубҳаланиб тўнгилласа, минг йил қасамлар билан ўзини оқлар эди. Ҳозир деярли ҳар кун кеч қурун жазманларининг кўнглини овлаб, пул топиб келиш учун қийиб кетади ва бу иш учун на эри, на афро-дагилардан заррача тортинмайди. «Дурустроқ пул топиб, рўзгорни тебрат, остонада ҳатлаб кўчага чиқмайман», дер экан эрига. Эр шўрлик эса «Борига қаноат қил, шунча ёғ ичиб ётишимиз шартми?» деб уни қайтаришга журъат топа олмай экан. Яна ким биладим дейсиз, балки шу эркакнинг ўзи ҳам «ёғ ичида яшаш»га урганиб қолганми?

Бошқаларга ҳам «Эрим рўзгор қилолмагандан сўнг мажбурман бузуқлик қилиш-

олиб кириши шарт.

Италия макорон, вермишелдан тайёрланган таомлари билан машҳур. Қизлар таом тайёрлаш мақсус мактабларида сабоқ олишлари шарт. Чунки, никоҳдан утказиш идоралари ана шундай гувоҳнома билмаган қизлар никоҳини қайд этмайди.

Австралия харитасида тропик мевалар кўп ўсади. Шунинг учун бўлажак уй бекалари мевалардан муробболар ва музқаймоқлар тайёрлашни урганиб олишлари зарур.

Арабларда хурмо энг муҳим озуқалардан ҳисобланади. Дастурхонда доим янги, қоқи қилинган ёки пиширилган хурмо бўлиши шарт. Хурмонинг данагини олиб ташлаб, янчиб қоврилган ун ёки бошқа масаллиқлар қўшиб ҳовла тайёрлашни билган қиз энг яхши хотин бўлиши мумкин экан.

Ўйбекаси пазанда бўлса албатта покиза, чаққон, борида тежайдиган, йўғида йўндирадиган ўқуви ва меҳмондуст аёлди. Аёлининг бундай хусусиятлари эркакнинг меҳмухаббатини янада кучайтиради.

**МУХТОР БЕК тайёрлади.**

## БУНИ ҚАРАНГ

### КЕЛИН ТАНЛАГАНДА...

Маълумки, ҳар бир халқнинг шарофати ва аъённавий таомлари бор. Бизда ана шундай таом-паловдир.

Паловни тайёрлаш энг мураккаб ҳаракатдир. Агар бўлажак келин палов пиширишни ундайлаб олса, демек у бошқа хил овқатларни тайёрлашга ҳам қодир бўлади. Шунинг учун оғуш қизларини энг биринчи галда палов пиширишга ургатишган.

Қимизни барча қадимий чорвадор, халқларда аёллар ҳам, эркеклар ҳам тайёрлаверди. Мугулларда эса бияни соғиб, қимиз тайёрлаш асосан аёллар иши. Шунинг учун ҳам турмушга чиқадиган қизлар қимиз тайёрлашни урганишлари жуда зарур ҳисобланган.

Ҳиндистонда жуда қадим замонлардан бундай чой устирилади. Ҳинд чойлари ҳануз жаҳонга машҳур. Чой ҳиндлар учун ичимлик эмас, овқат ҳам саналади. Бу ерда чой дамлашнинг усули, қондалари кўп. Бўлажак келинча келган совчиларга чой дамлаб, ўзи

## «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»

### ЎГИТНОМАСЫНИ ЯРАТАЙЛИК

Қадри юртдошлар! Сизларга яна бир тақлиф билан муножжат қилмоқчимиз.

Ҳар бир одамнинг ҳаёти не бир сир-синоатларга тулик, шу билан бирга қайтарилимас, муқаддасдир. Одам ўз тақдирига битилган қувонч қайғуни, бахту бахтсизликларни жон ришталаридан кечириб қайтади, умр утган сари ички дунёси бойиб бораверади, ҳаёт тажрибаси ошади.

«Қари билганини пари билмас», дейдилар... Лекин яна бир нақл бор: «Гап ёшда эмас бошда...». Бизнинг назаримизда эса, ҳар иккала нақлда ҳам жон бор. Шунинг учун пиру бадавлат кексаларимизни ҳам, ўткиру кескир ёшларимизни ҳам янги «Ўғитнома» руҳини билан ҳамкорликка чақирамиз.

Яъни ҳаётингиз давомида дилингизда туғилиб қалб мулкингизга айланган сермаъно ўғиту насихатлар, нақллар, мақолларингизни кўпчиликка ҳавола этасиз, руҳиниизнинг бойишига ҳисса қўшасиз, деган умиддамыз. Чунки, одамларни тўғри йўлга, қомиллигу солиқликка қорлас, бахту саодатга нелиг эшиг учун қўтулгу, савобли ишлардандир.

Демак, келинг аҳиллигу ҳамжамхатлик билан келаси сонларимиздан эътиборан янги «Оила ва жамият» ўғитномаси руҳини бошлайлик. Уйланг, эсланг, бизга ёзиб юборинг. Мақтубингизга интизор кўз тутайтганимизни унутма-



# Хурматли Дилбар САЙДОВА!

Ушбу мактубимни шахсан сизнинг номингизга ёзмақдам. Юрагим тула дарду изтироблар, қаиғу аламлар мени биринчи бор қўлимга қалам олиб ёзишга мажбур қилди. Сиздан илтимос, мактубимни тўлалигича газетангизда чоп этинг-да, узингизнинг маслаҳатингизни менга ҳавола этинг. Энди Ёлғиз умидим сиздан, фақат сиздан...

Ешим 40 да. Болалар шифохонасида ҳамшира бўлиб ишлайман. 4 нафар фарзандим бор. Турмуш уртоғим масъул лавозимда ишлайдилар. Турмуш курганимизга 16 йил бўлди. Эрим билан муносабатимиз ҳамма ҳавас қилгудек, оилам тинч, ҳамма нарсамиз етарли. Эрим айтганимнинг ҳаммасини муҳайи қилдилар, нима янги нарсаники олиб кийдирадлар, қарга борсам машинада олиб берадилар. Лекин минг афсуслар бўлсинки, Мана 6 йилдики, шундай эрга ҳиёнат қилиб яшамокдаман. Дунёда энг оғир ва кечирилмас гуноҳ — бу ҳиёнатдир. Айниқса, бу аёл томонидан эрга нисбатан бўлса... бунинг ҳазонаси бордир, ахир мен учун. У киши ҳам оилали. 5 та фарзанди бор. Биз у киши билан бир ҳафтада бир маротаба учрашамиз. Биласизми, ҳар бир учрашганимизда у киши аввал мени магазинга олиб берадилар, қимматбаҳо тилло тақинчоқлар олиб берадилар-да, сунг қўлимга катта-катта пуллар берадилар.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг қўлимга тақадиган тилло узукларим 36 та, қўлогимга тақадиган тилло зиракларим 11 та ва бўйинларимга тақадиган тилло қалин тролларим 7 та. Буларнинг тенг ярмини у киши ҳада қилганлар. Ундан ташқари ҳар бири 20-30 минг сумлик чет элнинг қимматбаҳо кийимларидан олиб берадилар. Сиз ўйламанг, тақинчоқларнинг сонини ёзиши шартинки, деб. Бу тиллолар ҳозирги кунимда қўлимга шунчалар совуқ ва ҳуник қўринаптики...

Биласизми, туртинчи фарзандим у кишининг. Қандай қилиб дерсиз. Уша пайтада мен турли баҳоналар билан эримдан узимни узокроқ тутганман. Қачонки, ҳомилдор бўлганимдан сунг у киши тулик ишонч ҳосил қилдилар-да, «Мана энди бу бўлажақ бола меникидир», дедилар. Тугруқхонага эрим бечора бир

кунда 3 маротаба борсалар, у киши эса 5 маротаба борардилар.

Оҳ, эрим бечора бу бола узиники эмаслигини билмас, аксинча хурсандчилигидан боши осмонда эди. Эҳ, нимасини айтий ҳар борганларида шундай нарсалар олиб борадиларки, буни суз билан таърифлашга оҳиман. Мана шу «туртинчи болам» туғириги фарзандига қимматбаҳо кийимлар, уйинчоқлар олиб беради, мен уларни уйга олиб келсам, эрим хурсанд бўлиб пулини берадилар. Мана шундай қилиб ҳаётим утиб бормоқда.

Уйламанг, эри оддийгина-дир-да, деб. Йўқ, эрим неча йилдики раҳбарлик лавозимда иш-

ши-нинг бағриларида ўтказди. Шифохонадан чиққан-имдан сунг эримга асабларим чарчаганигини, бирон-бир санаториёга бориб дам олишим кераклигини айтганимда эримнинг қўзларида ёш йилтирдилар. Майли, менга фақат сизнинг соғлигингиз керак, дея ўқиндилар ва қайси санаториёга бўлса путёвкани тайёр қилиб беришларини айтдилар. Лекин минг афсуски... Путёвка аллақачон тайёрлаб қўйилган эди.

Кетадиган куним эрим бозор қилиб, pista-бодомдан тортиб, чет элнинг ҳамма озиқ-овқатларидан тайёрлаб

## Икки йўл орасида ҚОЛАМ

лайди. Мен юрадиган кишининг кура ҳам чиройли, қўрқамлар. Мана энди мени ким деб аташ мумкин? Билсангиз, виждон азоби мени тобора эзиб бормоқда. Энди менга уй-жойим ҳам нарсаларим ҳам, энг асосийси бошимда кечак-қундуз парвона эрим ҳам қўлимга қўйинмай қолди. Эримдан кунгилм совида, ҳар бир меҳрибонлик билан гапириши, олиб келадиган нарсалари, умуман ҳеч нимаси қўлимга қўйинмай қолди.

Биласизми, март ойида «у киши» бир профессор билан гаплашиб, мени шифохонага ётқиздилар. Аслида мен сопнасиз эдим, фақат биз дам олиш учун санаториёга боришдан олдин шундай «план» қилган эдик. Натижада мен ҳеч нимадан ҳеч нима 18 кун шифохонанинг «люкс» хонасида «даво-ланиб» чиқдим. Агар уша кунларни айтсам, эрим бечора ишни ҳам бутунлай ёдидан чиқариб ёнимда парвона бўлди. Кечга овқатларни тайёрлаб келган эримга, уйга эрталоқ бориб, мен яхшиман, дея кетказганимдан сунг, «у киши» келиб мени олиб кетдилар. Саҳарда эса олиб келиб қўядилар. Бу ҳолатни шифохонадагилар қуриб турсада, лекин эримга бир суз айтмадилар. Аксинча, бир аёл: «Сиз қандай бахтли аёлсиз, ҳам шундай эрингиз, ҳам уйнашингиз бор-а. Бу ҳаётда маъза қилиб яшаб олинг», — деб айтиди.

Шундай қилиб, 18 кунлик «даволанишини» асосан «у ки-

зи» сумкаларга жойлаб солдилар. Қўлимга эса 1200 долларни бериб, агар пул керак бўлса телефон қилишимни айтиб тиниладилар.

Лекин минг афсуски... У ёққа боргандан сунг, «у киши» сумкадаги нарсаларни қуриб, нима эринг топан нарсани мен тополмас эканлигини, деб ҳаммасини еттинчи қаватдан улоқтириб ташладилар ва эларнинг менинг қўлимга қараб ҳамма нарсани муҳайи қилдиларки...

Мана энди мени ким, деб аташингиз узингизга ҳавола. Одатда эркаклардан икки хотинлик деган гаплар бўлади. Ҳозирги кунимизга келиб баъзи бир аёлларимизда ҳам эрлари ҳам уйнашлари борлиги ҳаммага маълум. Бу узимнинг ҳаётимдан яққол мисол.

Мана энди мени ким, деб аташингиз узингизга ҳавола. Одатда эркаклардан икки хотинлик деган гаплар бўлади. Ҳозирги кунимизга келиб баъзи бир аёлларимизда ҳам эрлари ҳам уйнашлари борлиги ҳаммага маълум. Бу узимнинг ҳаётимдан яққол мисол.

### Кўнгил изҳори

Мен айтарли чиройли эмасман, ёшим ҳам 40 да. Лекин барибир аёл учун кўнгил, ширин гаплар, эркашлар, қимматбаҳо совғалар ва зиефату утиришлар ўз оиласидан узоклаштириши аниқ экан. Биласизми, мен авваллари эримдан алла қандай қўрқиб, ҳадик билан яшардим. Ҳозирга келиб умуман қўрқиб нима билмайман. Бора-бора эрим мен учун ҳеч қандай бўлиб қолмоқда. «У киши» билан ҳозир келиб кун ора учрашамиз. Мен унга оилам бўзилишини қуриб айтсам, «Ҳоҳласанг эринга узим бориб айтман-да, ажратиб оламан. Кейин бутун-

ҳақиқатни айтманки, баъзи аёллар ҳиёнат билан яшамоқдалар.

Биргина бағрига олиб, бир бора тушакда бирга бўлиш учун қанча-қанча пуллар беришга қимматбаҳо кийимлар, совғалар ҳада этишга тайёр эркаклар ҳаётинида учраб туради. Албатта, шундай эркакларга узларини ҳада этаётган аёллар (мен сингари) узлари билмасдан ҳиёнат иулига кириб қолдилар. Бир бора бегона эркак билан бирга бўлган аёл энди ўз эридан совий бошлайди ва шу билан бирга ҳеч қандай куч энди уни эрга боғлай олмайд. Бунинг мен тулик ишонч билан айтман, чунки у аёл энди узини уша бегона эркак қўноғига қандайдир силри ҳиссиётлар оғушида сезади.

Ҳозирда мен ҳам ўз касбимни ташлаб у киши раҳбарлик қилаётган корхонада ҳисобчи бўлиб ишляпман. (узларини олдиларига ишга жойладилар). Биз энди куну-тун биргамиз.

Мана шу 6 йил ичида биз у киши билан бир неча маротаба қаттиқ уришганимиз. Лекин, билмадим, бизни нима бунчалик бир-биримизга қаттиқ боғлаган экан. Уйлашимиз эркак-аёл уртасидаги нозик масала бекра кесак. Яна билмадим.

Икки ут орасида қолдим. Эримни, оиламни десам у киши, уни десам оилам. Нима қилишга бошим қотиб қолдим. Қандай йўл тутсам туғри бўлади, нима қилсам виждон азобидан қутуламан? Илтимосим, мени бу азобу ўқубатлардан, қийноқлардан ҳалос этинг. Акс ҳолда... Ҳожа руй бериши мумкин. Мен узимни бир нима қилиб қўйишим мумкин.

Сизни маслаҳатингизни газетангиз орқали интизорлик билан кутиб қоламан.

Т.Х. ТОШКЕНТ

Мана, азиз газетхон, йўлини йўқотиб қўйган, жиндагина ёқлу ҳушини ўтирлаб, қўзларини қамаштирган, ҳаётда энг катта бахт, энг катта саодат бўлиб қўйилган олтингу зеб-зийнатлар, айшу-мишратлар вақт утган сари саробага айлана бошлаган, энди узини тубсиэ жар ёқасида турган каби ҳис этаётган аёлнинг биз-у сизга ишониб, биз-у сиздан мадад кутиб, тавба-тазаару қилди ёзилган мактуб билан танишиб чиқдингиз. Мактубия ўқиркансиз, қўнглингиздан не гап-не фикру ҳаёллар кечди? Биз-у Сизнинг жавобимизга, бир оғиз сўзимизга маҳтал, зору интизор Алга энди не деймиз? Ёзиб юборинг...

Мен эса мактуб муаллифининг редакциямизга қўнғирог ва ё ташрифини кутиб қоламан. Назаримда аёл қўнғили тубида ҳақи айтилмаган дарадлар бор, юзма-юз дидадрлашуве, мулоқот эса уларни ойдинлаштирадиди, ойдин йўлга бошлаб кетади...

Дилбар САЙДОВА

### «ЭРКАКЛИК, ШАЪНИМИЗ ҚАНДАЙ?»

(«Оила ва жамият» 25-сон)

Севимли газетамиз «Оила ва жамият»нинг 25-сонидан чоп этилган шу номли мақола мени чуқур уйга толдирди. Муаллиф таъкидлаб утганидек, ҳалқимиз, миллатимизга доғ тушираётган эркаклар талайгина. Биз қўлнча айбони бировлардан қидиришга одатланиб қолганмиз. Тақдирнинг оғрикли зарбаларига учраган аёллар, қўзларимизга жавдираб боқаётган тирик етимларини қуриб қалбимиз ларзага тушади. Уларга ачинамиз-у, лекин кимлардир бу тақдирларнинг сабабчиси бўлганлигини англамаймиз ёки англашни истамаймиз. Ўз фарзандини ташлаб кетаётган аёллар ортидан тўхмат тошларини отамиз, бироқ уша аёл номини бадном қилган эркак ҳақида лом-мим демаймиз. Нафси йўлида не-не боқира қизларни бадном қилаётган эркак яратганининг оғизига бандаси-қиз урнига ўз синглисини ёки қизини қўйиб тасавур қилсади... Ахир бу бориб турган ваҳшийлик, манкуртлик эмасми? Ёки, ўз ота-онасига дўқ-пуписалар, ҳатто қон-қақшатиб дўппослайдиган эркак ва йигитлар ҳам бор-ку ораимизда (агар уларни эркак дея оласак). Айтаверсам гап куп. Миллат оталарининг маънавияти, ор-номуси ва қадрини тиклашга киришадиган замон келди. Балки эркаклар учун қандайдир уюшма ёки журнал ҳам таъсис этиш керакдир? Мен истардимки, қадрдон газетамиз «Оила ва жамият» саҳифасида «Эркаклар минбава», «Эркаклар — аёллар нигоҳида» каби руқнлар ташкил этилса, нур устига аёло нур бўларди.

Жаҳонгир.

### АКС — САДО

Бу мақолада келтирилган эркак биттагина эмас. Унга ўхшаганлар ҳозир қўллаб топилади.

Ҳа, негадир кейинги пайтларда баъзи эркаклар ҳаётга, оилага енгил-ели қараяптилар. Улар узларининг бурч ва вазифаларини унутиб қўйганлар. Рузгорнинг оғирдан оғир аравазини биргаллашиб тортиш урнига аёлнинг зиммасига ташлаб қўйяптилар. Ва бемалол лоқайдлик, беғамлик билан кузатиб ҳам турибдилар.

Бундайлар фақат «бугунги куним уста бўлди» қабилида эртанги кунни уйламасдан номигагина яшайдилар. Ана шунинг учун ҳам аёллар рузгор тебратишини ўз қўларига оляптилар, туғириги олишга мажбур бўлаяптилар. Энди бир ўйлаб қурайлик: эртдан кечгача уйда бўлмаган онанинг болалари қандай тарбияланаркинлар? Турмуш уртоғини, фарзандларини ҳурмат қилмайдиган, қиладиган ишининг тайини йўқ, беғам, лоқайд, ношууд оталарнинг фарзандларни қимдан ибрат оларкинлар? Оиладаги келишмовчиликлар, етишмовчиликлар, жанжал, туполон.

### «БУ ЭРКАККА ШУНДАЙ БИР СЎЗ АЙТСАК...»

(«Оила ва жамият» 31-сон)

ҳурматсизлик болаларни қайси йўлга бошларикин?

Ҳа, буларнинг ҳаммаси фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Шундай оилада яшаётган аёлни ҳам тасаввур қилайлик. Уша аёл иссиқ-иссиқ, совуқчи-совуқ демай эртадан кечгача рузгор ташвишида уйга ҳориб-чарчаб келса-у, уша ишбўмас эридан яхши гап эшитмаса, камига қалтак ҳам бе турса. Ҳатто эркак ана шу меҳнаткаш, жафокаш аёлга ҳиёнат қилса, қани уша эркакнинг гурури, марддиги, ори, номуси?

Мен ана шундай эркакларга шундай бир сўз айтмоқчиман!

Сиз «бир умр чиройли, соғлом бўлиб, хоҳлаган пайтимда, хоҳлаган аелим билан вақти-чоғли қилиб, юрман», деб уйламанг. Бир кун келиб чиройингиз ҳам, соғлигингиз ҳам кетади. Худо қўрсатмисин, мабодо бирор дардга қалиниб бошингиз ёстиққа теккудай

бўлса, сизга фақат уша сиз ҳурмат қилмаган, қадрига етмаган аёлнингиз, фарзандларингиз асқотди! Қўчадаги «гузал»ларнинг бирортаси ҳам асқотмайди!

Сиз мени ҳамма, ҳар доим ҳурмат қилсин, десангиз, турмуш уртоғининг фарзандларининг менидан кўнгли қолмасин, энг муҳими, қарганимда хору-зор бўлмайин, десангиз турмуш уртоғингизга, фарзандларингизга албатта қўлингиздан келганича аҳилилик қилинг, уларнинг дилини оғритманг, оғирини енгил қилинг, доимо туғри суз, ширинсуз бўлинг, уларнинг қадрига етинг. Хуллас, уларни ҳозирдан ҳурмат қилинг, асрагн, авайлагн. Бу беш кўнлик дунёга ҳамма ҳам меҳмон. Меҳмон ўз ҳурмати билан келиб кетиши керак!

Замираҳон ҲАМИДОВА Фаргона.



# КУТЛАЙМИЗ!

Меҳрибон қизини,  
Камалатин!



Сеннинг туғилган кунинг муборак бўлсин. Бахти-мизга соғ саломат бўлишингизни тилаб.

Дадажонинг,  
онажонинг ва  
опаларинг

Мухтарам  
Рустам

САИДОВИЧИ!

Сизни 13-сентябр таваллуд кунингиз билан самимий муборакбод этамиз!

Кўнгилларга нур бахшида этгучи матбуот нашрларини халқимизга ўз вақтида етказиб беришда Сиз раҳбарлик қилаётган муассасанинг хизмати гоят беқиёс. Шундай эзгу ва савобли ишларингизда Сизга куч-қувват, соғлиқ, оилангизга эса тинчлик ва осойишталик тилаймиз.

Хурмат билан  
«Оила ва жамият»  
таҳририяти

Хурматли  
Абдулхотир  
ОРҒИҲОВ!

Сизнинг 12 сентябр туғилган кунингиз билан чин кўнгилдан табриклаймиз. Сизга сийҳат-саломатлик, бахт-саодат ҳамisha ҳамроҳ бўлсин!

«Оила ва жамият»  
таҳририяти

Азиз Тўлқин ва Сафар  
АБДУЛХАЛИЛОВЛАРИ



Сизларнинг таваллуд айвонингиз ва олтин туғингиз билан кутлаймиз.

Сизларни суйган  
Қариндошларингиз  
дўстларингиз, оила-  
аъзоларингиз

## СИЗГА БАХТДАН ТАХТ ТИЛАЙМИЗ!...

Бу дунёда тукис-туғал бахтга мушарраф этилганлар кўпчилики ва ё озчиликми? Бу рангин, сержо-зиба оламининг неъматлари дан барча ҳам баҳрамандми? Минг афсуски, Аллоҳ ҳаммага ҳам туганмас бахт, кетмас давлатни бир хилда насиб этмаган экан-да.

Бироқ!... Инсон дунёга келдими, бахтли яшашга тула ҳақли, шунинг учун ақлини танир-танимас бахтни орзу қилади, бахтга интилади, бахтни излаб яшайди. Бахтни ҳар ким ўзига тушунади, ўзига талқин қилади. Лекин, бир кам дунёнинг аксарият оила қурбонлари тарбиялаш орзусида яшайди. Халқимиз «савоб» деган сўзни тез-тез қўлайди, савобли ишни муқаддас санайди.

Бу инсон учун табиий эҳтиёж ҳам. Чунки инсон орому оройишни, роҳату фароғатни оиласи даврасида, жондан яқин қонқариндошлари қуршоғида ҳис этади. Бахт сари йул эса машаққату синовалардан иборатдир.

Кимдир бахтни ўз қўли билан яратадми, яъни ўзини бахтли қилишга чоғлайди. Ҳамиша бахт йўлида ранку захмат чекишдан, бахтга муносиб бўлишдан хормай-толмай ҳаракат қилади. Кимлардир эса... Ана шундай кўзларда яқинлар қариндошлари, касбдошлар, маҳалладошлар ёрдамга келишади.

Икки кўнгилни қовуштириш, бахтга ёрқин ишчи халқимиз «Савоб иш қилинибди, ёки савоб ишга қўл урибсизлар», дея алқайди. «Оила ва жамият» ҳам Оила йўлида бахтиёр-

лар давраси тагин ҳам кенгайтишни жуда-жуда истайди.

Таҳририятимиз ёрдамга муҳтож бўлиб мурожаат қилиб келганларни ё хат йўллаганларни оқиқ кўнгил билан қўтиб олади ва имкон даражасида қумак беришга тайёр.

Ҳаётда ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби бор. Ҳисобли дўст айрилмас деганларидек, газетамизда чоп этиладиган эълонлар учун нарх-наво бошқа нашрдигилардан кура ниятда арзон белгиланган.

Шу муносабат билан оила ва шунингдек турли муносабатлар — масалан туғилган кун, никоҳ ва суннат туғилари, ҳаётда қўлга киритилган омаду муваффақиятлар, мансабу мартабанинг кўтарилиши муносабати билан битилган табриқ қўловларни чоп этиш қондаларини яна бир марта ёдингизга солмоқчимиз.

Сиз эълон бермоқчи бўлсангиз, шаҳар ёки қишлоғингиздаги алоқа бўлимига бериб «Оила» эълони бўлса 600 сум, табрикнома бўлса матндаги ҳар бир белги учун 2 сумдан, оғури бўлса яна 200 сум қўшиб тўлайсиз. Илоҳи билан фақат оқ-қора рангли фотосуратларни юборинг, сифати талаб даражасида чиқмаса ранжиб қолишингиз мумкин.

Узингиз истаган табрик матни ва танишув эълони учун пул туланган тулов қорозини хатжилда солиб «Оила ва жамият» таҳририятига. «Қўда ҳола-га, деб юборсангиз бўлади».

Газетамизнинг ҳисоб рақами:  
2021000300117340001 МФО 00400

Тошкент шаҳри, Юнусов дўғани, ПСБнинг Шахристон бўлими.

Ҳизматингизга  
ҳамиша тайёр  
Қўда ҳолангиз.

— Чарчадим. Негадир бошим оғрияпти. Гув дунёнинг бутун оғири меннинг зиммада. Эҳ-ҳа, елкам ерга тегмасдан, йигит сузим ерда қолди. Минг ранку балолар бошим узра тўфондек нарх урмоқда.

— Қўйсангизчи, Сардорбек, сиз йигит киши-сиз, сал оғирроқ бўлинг, ҳаммаси утиб кетади.

— Ҳа, сиз ҳақсиз. Аммо мен пуртанак мисоли денгизнинг зур тўқинида да кўпидек ҳар томонга сачралиб кетдим. Алам қилар экан, менда на муҳаббат ва на ишқ ут олови қолди. Ҳаммаси тугади.

— Чиндан ҳам дардингиз оғир қуринади.

— Биласизми, ушанда мен ота-онамни совчиликка не-не ниятлар билан етаклаб боргандим. Биласиз-ку, водий қаёқда-ю, воҳа қаёқда. Уларнинг иззат-икром билан қўтиб олишларига мен ортиқча ишонган эканман. Биринчи қадамнинг узидаёқ умиднинг бир парчаси чил-чил синди. Ҳа, айтгандай, сиз журналистсиз, қўларнинг сукбатига бўласиз, менга айтингчи, оила қачон бахт топа олади?

— Менимча оилада

тотувлик бўлса, ана ушанинг ўзи катта бахт.

— Улар мендан тўқинликни талаб қилдилар.

— Қўзисангиз, Сардорбек, тўқинлик ҳам оиланинг яна битта шартин, ахир

— Ҳеч эсимдан чиқмайди.

## ДАРДИМНИ КИМГА АЙТАМАН?

— Ёринг аҳиссини ёрон бўлганинда билесан болам, ҳа, айтгандай, унингда супурги бўлсаю, ҳовли-  
нг супуркисиз қолса, аёлингдан ранжисанг арзийди,  
— дердилар раҳматли бовим.

(Муаллиф)

«Оила ва жамият»нинг қасидири бир сониди «Сарпосида тиллоси йўқ» номли мақола чоп этилганда. Уш тиллосиз сарпо гулдек муҳаббатнинг умрига зомин бўлгани ҳақида ҳикоя қилинганди. Мана энди меннинг кам қиз томонга берган сарполаримнинг тиллоси йўқ. Бор гап шу. Тўқинликка қолса, унга биратула эришиб бўлмайди.

— Гапингиз тугри, бироқ айни пайтда сиз ҳаётга тайёрмисиз? Ахир эр киши оиланинг устунин бўлади. Узингиз бир уйлаб қуриб, аёлингиз элак сураб қушининг уйига чиқса, эзлик оғиз

шаънингизга гап бўлади.

— Биласизми, Саидолим ака, агар меннинг аёлим уйда помидор тугаб қолиб, оппоқ қилиб ош дамбаб қўйса ҳам унинг қўлларини упиб-упиб, паловини лаққос туширган бўлардим. Ахир бирда бор бўл-

тармонлардек, роса савдолашдилар. Охири «пулимиз» етмади.

— Бор-йўғи шуми?... Қизинг ўзи нима деди?

— Бир оғизгина: «Ойи-жон, яхшилик қиламан деб, ёмонлик қилмаясизми?», деди ҳолос.

Энди нима қилмоқ-чисиз?

— Қозқларникидек олиб қочиб кетсамикан?

— Қизнинг фикри қандай?

— Қаёқда... Нуқул «Дустим ҳам, дўшманам ҳам ота-онам, улар рози бўлмагунча ҳеч қаёққа бормайман», деяпти.

— Яшасин уша қиз. Ота-онанинг шаънини ўз шаънидек билган авл ёр-қа ҳам бир умрлик садоқатли ёр бўлади. Сикилманг, Сардорбек, пулин-гиз етганда уйланарсиз. Қиммат баҳо бўюмнинг чидими ҳам яхши бўлади. Ҳали узингиз айтдингиз-ку, сабр қилинг, сабрнинг таги сариқ олтин.

Сардорнинг кўнглига таскин бергандек бўлдим-у, аммо ўзининг қўқсин-да уйюған оғриқнинг азобидан қушимни қаттиқ юмдим.

— Ҳа, дустим-ку, бор дардини менга тўқиб солди-я, лекин... Мен-чи, мен. Дардимни кимга айтаман?

Сайид Олим

## МАСЛАҲАТХОНА

### МЕҲР УСТУН КЕЛДИ

Пойтахтимизнинг Қора-Қамиш даҳасидаги оромгоҳларнинг бирода ашаддий бир чекувчи билан танишиб қолдим. У бир кунда 20 донна тамакинни бир-бирига улаб нақ паровуз қилар эди. Майли бир икки кун чекиб олсин дедим, ичмиди.

Ҳа, айтгандай, ҳамхонам асли Тошкент туманидан бўлиб, у киши билан танишган заҳотимиз бир невараларини чунонман мактадиларки, аста қуяверасиз. Ҳатто ўзлари билан унинг суратини ҳам олиб юрарканлар. Хуллас, келган кунимнинг учинчи тонги ҳам отди. Шеригимнинг бир қўлида тамаки, яна бир қўлида эса неварасининг сурати, гап бошлади:

— Қолган ҳаётимни фақат шу набирамгагина бағишлаيمان.

Мен унга жиддий қараб дедим:

— Қўсангиз-чи, неварангизни жон дилдан яхши қўсангиз, бундай қилмасдингиз. Тавба, худди ўзингизни жонқуяр қилиб қўрсатасиз-а.

Ҳамхонам туюқиб кетди:

— Нима, гапларимга ишонмайсизми?

— Ишонмайман — дедим ўзимни бепарво тутиб.

— Сизга неварамни яхши қўришимни қандай исботласам бўлади?...

Чиндан ҳам яхши қўрсангиз исботланг.

— Қандай қилиб?

— Бунинг йўли онсон, неварангизни жон дилингиздан яхши қўрсангиз, шу дақиқадан бошлаб чекишни ташлайсиз. Айтиб қўяй, борди-ю, неварангизни яхши қўриб, чекишни ҳам давом эттирсангиз-чи, бола бечорани касалликка йулиқтирасиз. — дедим-да, ташқариб чиқиб кетдим.

Бирор соатдан сунг хонага қайтиб кирсам, қулдон йўқ, бор тамакилар мижиглаб ташланган. Орадан бир ҳафта ўтди, шундагина мен ҳамхонамга тан бериб, шундай дедим:

— Мана энди неварангизни астойдил яхши қўришингизга ишондим.

Шеригим менга қаради:

— Сизда қандайдир сехр бор.

Мен эса унга жавобан маюс қулиб қараб қўйган бўлсам-да, бироқ бобонинг набирасига булган меҳри ҳатто тамаки ҳуморидан устун келганига зоҳиран таҳсинлар ўқидим.

Санжар САРДОР

Қаттиқ уқимнинг оstonасида меҳр билан қўтиб  
олаб, таъминлаб олаётган қайнонам Раҳмонова  
ХАЛИЛБАХОН ШУҲРАБДИ Қўли

Муқаддас Қаббани зиёрат этган азиз онанинг келини булганлигим учун Аллоҳга беадаб шукрлар айтиб, сизнинг таваллуд кунингиз билан қўтлаймиз. Сизнинг меҳрингиз, фарзандларимга берган тарбия ва уқитингиз учун бир умр таъзимдаман

Оиламиз номидан Мухтасархон КАРИМОВА

Душонам

Мардонматон!

Сизни 23 баҳорингиз билан қўтлайман. Сизга узоқ умр, бахту саодат тилайман, деб дўгонангиз.

Сулуру

Хурматли Раман

МУҲИМОВ!

47 ёшга тулишингиз билан қўтлаймиз. Шахсий ва оилавий ишларингизда улкан зафарлар тилаймиш. Эл-юртимиз бахтига ҳамisha омон бўлишингизни истаб.

Дўстларингиз ва Тошкент шаҳар 6-шифохона жамоеси







## БОШҚОТИРМА

Бурчакли халқалар ичида жойлашган каттаклар урнида 6 та ҳарфдан иборат сузалар яширинган.

1. Истақ. 2. Хоразм вилоятининг шаҳарларидан бири. 3. Доимий. 4. Оташ. 5. Хушбуй усимлик. 6. Жаннат. 7. Елвормоқ. 8. Улим.

Ушбу топилган 8 та сўзнинг бош ҳарфларини ички доирачалардан урин олган 8 та рим рақамлари билан тартибди алмаштирсангиз, газетчиликка хос бўлган атамани тугри топган бўласиз.


Соатнинг айланаси бўйлаб:

1. 3 та ҳарф: Оила бошлиғи. 2. 5 та ҳарф: Даратнинг курунмас қисми. 3. 4 та ҳарф. Баҳорда очилган гулнинг номи. 4. 7 та ҳарф: Булбул. 5. 5 та ҳарф: Энг муқаддас сўз. 6. 8 та ҳарф: Келажак эгалари. 7. 9 та ҳарф: Ижтимоий касблардан бирининг номи. 8. 5 та ҳарф: Халқнинг географик атамаси. 9. 11 та ҳарф: Фақат Ўзбекистонда нишонланган байрамлардан бири. 10. 8 та ҳарф: Тошкени

нг бош ҳарфларини курсатилган соат рақамлари урнига тартиб билан жойлаштирсангиз, Республикада нашр этиладиган машҳур газетанинг номи топасиз.

Тузувчи:

С. АБДУРАҲМОНОВ



### Ибн Сино сабоқлари

#### ЯЛПИЗ

- Ялпизнинг ширасини сиркага солиб ичилса, ичдан қон кетишини тўхтатади.
- Ялпизни майдалаб, арпа унidan тайёрланган хамирга аралаштирилади. Бу хал-дори пешонага таниб боғланса, бош оғриғига даво бўлади.
- Шикастланган тилга ялпиз япроғини қуйилса, оғриғини босади.
- Ялпизнинг шираси асал билан аралаштириб, оғриган қулоқ атрофига суртилади.
- Ялпизни суюқ овқат билан истеъмол қилинса, сариқ касаллигига фойда қилади.
- Ялпизли сомса гижжаларни улдиради.
- Ялпизнинг илдизи қутирган ит тишлаган жойга боғланса, фойда бўлади.

С. САИДАҲМАД  
тайёрлади



## ХАНДАЛАР

Ёш геологлардан бири иккинчисига деди:

— Манга қара. Курбонтой, бир узинг Боботот тизмаларида кетаётиб қуқисдан «кузойнакли» захарли илонга дуч келиб қолсанг нима қилардинг?

— Ов милтигим билан отиб ташлардим.

— Агар ов милтигинг бўлмаса-чи?

— Унда югуриб бориб дарахт устига чиқиб олардим.

— Эсинг борми ўзи, Бобототда катта дарахт нима қилсин, илон эса у

ерларнинг па-  
ст-балан-  
дини  
ях-



Хотин — Мен бозорга кетдим, кечқурунга ош қилиб қўйинг

ши узлашти-  
риб олган,  
би р  
зум-

СУРАТИ  
Н. ХОЛМУРОДОВ  
ЧИЗГАН

да сенга етиб олса-чи?

— Мирқосим! Ўзи сен мени эмас уша кузойнакли илоннинг дўстига ухшайсан.

— Жуда бошим қотиб қолди-да. Қадимги аёллар нима сабабдан эркакларни урнига қўйиб ҳурмат қилишган? — деди Холмурод дўсти Боймуродга.

— Қадимги деган сўзингга тушунолмайд қолдим.

— Уша пул кашф қилинмасдан олдин-да.

Маҳкам Қўқор  
ўғли

## ЧОРШАНБАДАН — ЧОРШАНБАГАЧА

Хизмат телефонимиз одатдагидек жиринглаб қолди. Телефон кўндоғини кутариб қулоқ тутдим. Хорғин йигитнинг овози эшитилди:

— Менинг исимим Акмал Нориев, Сурхондарё вилоятининг Денов туманидан келиб Тошкентда ҳарбий хизмат бурчимни уятаймман.

— Акмалжон хизматлар зўр уятаптими?

— Раҳмат, яхши. Лекин ҳозир Сизга бир дардимни айтмасам, бу дунёга сиғмай кетаяпман.

## МАКТУБИМ ХОР БЎЛДИМИ?

— Хўш, айтинг-чи, Сизни нима қийнаётган экан?

— Мени рота командири аскарлар уртасида «изза» қилди. Сабаби туманимиздаги мактабларнинг бирида таълим олаётган Салима исмли қизни севар эдим. Хат олиб, хат ёзишиб турдик. Яқинда Салима ўқитган мактаб раҳбариятидан менинг бир даста очиб ўқилган хатларим билан бирга қисмимиз командирга шикоят хати келибди. Эмиш-ки, мен севгилимга мактуб ёйлаб гуноҳга ботибман, яъни бу ишим ўқувчи қиз тарбиясига салбий таъсир қиларкан.

Мен Салимани энтикиб соғинганимдан, жарангли овозини қумсаганимдан мактуб ёзгандим. Агарда уз севгилимнинг вафоси, севгиси бўлмаганда муҳаббатимиз оловланмаган буларди-ку. Мактубимга Салимадан келган жавоб хатлари шу кезгача аскарлик қалбимга қувонч, фахру гурур бағишларди. Мактаб раҳбариятини эса аскар ва қиз қалбини мушоҳада, таҳлил этмай, инсоний қадр-қимматини оёқ ости қилгудек бўлиб шу ишга қул уришганидан хафа бўлдим. Ахир менинг Салимага ёзган хатларимни очиб ўқишга мактаб раҳбариятининг нима ҳаққи бор? Ахир шунинг ўзи ахлоққа зид хатти-ҳаракат эмасми? Менинг ва Салиманинг кўнгил сирларини ҳеч тап тортмай элга ошқор этмоқнинг ўзи гуноҳи азим эмасми?

Уртамиздаги соф инсоний муҳаббат, бир-биримизга содиқлигимиз синовлардан ўтаётгани рост-ку! Салима бу воқеалардан сўнг не ҳолга тушдийкин?

Севги-муҳаббат шёъру қушиқларда, китобу киноларда қуқларга кутариб мантилса-ю, таълим ўчоғи бўлган мактабда тошбўрон қилинса, қандок чидаш мумкин?

Акмалжоннинг барча таъна-ю, гиналарини охиригача эшитдим. Унга қарши бирон сўз ҳам айтолмадим. Чунки ловулаб ўт бўлиб ёнаётган гулхонга керосин пуркасангиз не аҳвол юз беради — бу маълум ку... Бизни узаро совуқ симлар боғлаб турган бир-биримиз билан юз қуриша олган бўлсак ҳам руҳан Акмалжон тарафиди эдим. Унинг қалб ришталари, ўқинчлари, дардларини дилдан ҳис этдим. Ахлоқ тарбиясида узларича тартиб урнатмоқчи бўлган, узларини ҳақ деб ҳисоблаган шу мактаб раҳбариятидан хафа бўлдим. Акмалжон ва Салимаҳонга ухшаш йигит қизларимиз кўнгил шишасини ногаҳон синдириб қўймаслик, пок муҳаббатини нафратга айлантирмаслик, улар ҳаётини заҳрамаслик учун биз ота-оналар, ўқув ва корхона жамоаларини нима қилишимиз, узимизни қандай туттишимиз керак?

Балки тарбияни энг аввало узимиздан бошлашимиз керакмикин?

Сиз нима дейсиз?..

Мухтор БЕК

### ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Оила ва жамият» газетаси тахририяти Камолдин Бехзод номидаги Республика рассомлик ва дизайн институти ректори, педагогика фанлари доктори, профессор

#### НОРСАИД

ОЙДИНОВ ва ўғли ШОҲБОЗЖОННИНГ бевақт вафоти муносабати билан уларнинг оила аъзоларига, дуст-қадрдонларига чуқур таъзия изҳор этади.

Оила ва жамият

Муассисларимиз:

Ўзбекистон Республикаси  
Хотин-қизлар қўмитаси,  
Болалар жамғармаси ва  
«Соғлом авлод учун» Халқаро  
хайрия жамғармаси

Шioriимиз:

Оила - жамият фахри

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар  
Бош муҳаррир - 133-28-20  
Котибият - 34-86-91  
Эълоқлар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ  
Тошкент- 700000,  
Амир Темур кўчаси,  
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.  
Манзил Тошкент, Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 20.00.  
Босишга топширилди - 18.30.

Ҳомий  
«Матбуот гаркатувчи»  
акциядорлик жамияти

Обуна индекси - якка обуначилар учун 176  
ташқилотлар учун 177  
Рўйхатга олиш № 33  
Буюртма Г- 0340  
21317 нусхада чоп этилди.  
Формати А-3, ҳажми 2 босма табак.  
Чоршанба кунлари чиқади  
Баҳоси эркин нархда  
Навбатчи Музаффар МИРЗО